



HUDUDGAZTA'MINOT
AKSIYADORLIK JAMIYATI

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб беринш ва қабул килиш
ШАРТНОМАСИ

2023 йил 25 "дивар

Ноң-сон

Төрғаним

(шартнома тузилиган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Бұлжын Ұхтиш
ООО "Худудгаз Тасманий"
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари М. Кағимов

бид
томондан хамда Низом ва 20 __ йил " " да берилган сонли
ишончнома асосида фаолият юритувчи "Худудгаз Тасманий"
(газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади),
раҳбари М. Сағиров иккинчи томондан, күйидагилар түргисида
мазкур шартномани тузилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг
келишилган буюртманомаси бўйича табии газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади)
етказиб беринш мажбурятини олади. Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг
1.4-бандида кўрсатилган хажмда газни кабул килиш мажбуриятини олади хамда
тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойихасига
мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ
курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда
хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёлларга (Табиий газдан
фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотта (ёки
кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим
этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига кадар келгуси йилда истеъмол
килиниши тахмин килинаётган газ хажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган
газ хажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 20 __ йилда
куб.м, нархи ____ минг сўмни ташкил киласи, жумладан чораклар ва ойлар
бўйича кўйидагича таксимланади:

I чорак	<u>36363</u>	минг.м3. январь	<u>12121</u>	февраль	<u>12121</u>	март	<u>12121</u>
II чорак	_____	минг.м3. апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____	минг.м3. июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	_____	Минг.м3. октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ таксимиоти тармокларининг ишлари издан чиқкан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истъемолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагини ташкил киласди:

I чорак	_____ минг куб.м.	январь	_____	февраль	_____	март	_____
II чорак	_____ минг куб.м.	апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____ минг куб.м.	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	_____ минг куб.м.	октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____

1.5. Агар, Истъемолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда таксимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истъемолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни таксимлашнинг тасдикланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида кайта кўриб чиқиши мумкин. Истъемолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига ҳабар берган тақдирда, бундай холат ортиқча олинган газ миқдори деб хисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истъемолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истъемолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истъемолчига 24 соат ичидаги газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўгрисида барча усувлар орқали Истъемолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

Истъемолчи манзили ва телефон раками:

2.4. Етказиб берувчи Истъемолчини газ етказиб бериш кискартирилишига кадар камида 24 соат аввал бу ҳакида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истъемолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол кискартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва таксимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа обьектларини ва аҳоли истемолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истъемолчини огоҳлантирган холда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб кўйиш ҳукукига эга, Истъемолчи эса захира ёкили туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истъемолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-кабул қилиш доирасида тезкор майдумотларни мунтазам алмашишин таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истъемолчи захира ёкили туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган, муддатга) шакллантириши шарт. Истъемолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондадарига мувофиқ захира ёкилигига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истъемолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоклари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз холда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар хисобланади.

2.9. Истъемолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция килиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истъемолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция килишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармокларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қондадарига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истъемолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, таксимлаш ва истъемол килиш режимининг ягона узлуксиз технологик жарабанини хисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истъемолчилар учун мажбурий хисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл кўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоклари бўлниши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсатиличи ёки ўлчаш комплекси бўйича аникланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлниши чегараси (Истъемолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истъемолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аникланадиган газ тармоғи бўлниши нуқтаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м3 газ олиниди: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-химёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-ҳукукий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равишда келитирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аникланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истъемолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истъемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қондадар ва меъёrlарга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истъемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ ҳукукига эга, Истъемолчи эса захира ёкили туридан фойдаланишга ўтади.

истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва мөъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DSt 8.030:2008 "Ёқилги ва энергия. Хисобга кўйиладиган умумий талаблар", О'з DSt 8.031:2008 "Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя килиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий киёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг киёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий кисмларини) "Ўзстандарт" агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслош кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг кисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усусларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангириди) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишини таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиласидиган кисмларига Истеъмолчи иштироқида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий кисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукукига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. О'з DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда О'з DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятга руҳсатсиз аралашиб ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамгалаётган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф килиш нормаси бўлмаганда, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол килиш (ноқонуний байпас линиялари улантанда) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганинги тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатта олган ҳолда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – хисобга олиш прибори ечилган кундан "Ўзстандарт" агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) хисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг кисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол килиш ҳолатлари аниқланганда— ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдикловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бирок даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўқотиши, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан хисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмагандан ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТГҲНАТ (АСКУГ) тизими жорий килинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол килинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари хисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ анижомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) - бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишини талаб килиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганилик учун тўловлар Иsteъmolчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб килган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиши ҳолатлари аниқланган тақдирда Иsteъmolчи 24 соат ичидан Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиши ҳолати аниқланган тақдирда кайта хисоб-китоблар охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб килиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлади.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хошишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдириги тартибида мурожаат килишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб ракамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми киймати суммасининг 50 фоизи микдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол килинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб хисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловбез етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Иsteъmolчи газ етказиб берилмайди (стратегик кўрхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Иsteъmolчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истeъmol килинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Иsteъmolчилар ҳисоб-китоб килиш ойи тугагдан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Иsteъmolчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишда хисобга олинади.

4.9. Иsteъmolчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Иsteъmolчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ кийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Иsteъmolчига алокадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чақмок, кисқа туташув ва х.к)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истeъmol килинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб-ускуналарини тўлиқ куввати бўйича ҳисоб-китоб килиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил килган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истемолчининг карзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари Истемолчини хабардор килган холда карзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вактида тўланмаганда, Истемолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

4.12. Хисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истемолини хисобга олиш прибордан курсаткичларни ёзib олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истемол килингани хисобга олиш приборларига эга бўлмаган мъёлрлар бўйича хисоб-китоб киладиган истемолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзib олингани курсаткичлар Fossa тизимида киритиш, шунингдек, истемолчилар томонидан табиий газ истемолини хисобга олиш приборлари курсаткичларни интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган холда киритиш орқали аникланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан курсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига кадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ой учун газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномасига асосан истемолчига электрон хисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истемолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг хақонийлигини таъминлаш учун хисбот даврида газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномаси Истемолчидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истемолчига тақдим этиладиган, Истемолчининг бўлинниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоклари ва ГТКлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истемолчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТКдаги технологик йўқотишлар Истемолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истемолчи ойнинг 7 кунидан кечиқтирилмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ой учун газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини қабуд килиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул килиш далолатномасига асосан электрон хисобварак-фактурани қабул киласди.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул килиш далолатномасини имзоламаслик ески уни зътиrozлар билан имзолаш Истемолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмларин учун тўловлардан озод килмайди. Узатилган ёки қабул қилингани газ микдорини аниклашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошка домонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим киласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибида кўриб чикилиши керак.

4.17. Истемолчидан дебитор карзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибида амалга оширилади.

4.18. Газ узуб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истемол килингани газ ҳажми ва унинг киймати газ узуб кўйилган кундан бошлаб,

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги тўлиқ қувват билан ишлаб туриши хисобидан аникланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳакидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор киласди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истемол килингани газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибида кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истемолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод киласди.

V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истемолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл кўйилиши, Етказиб берувчи ва Истемолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истемолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истемолчини конунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод киласди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ КЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТАРТИБИ

6.1. Истемолчидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартароф этилгунинга қадар газ тармокларидан узуб кўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишига йўл кўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли микдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- хисоблаш приборларига қасдан зарар етказилгана, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш максадида уларнинг ишлашинга тўскинлик килувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни хисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишига харакат киласди;
- Газдан фойдаланиш кондаларига зид равишида газ тармокларига ноконуний уланиш ёки бошка кондабузарликлар ёхуд газни талон-тарож килиш ҳолатлари аниклананди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармокқа қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истемолчидан базавий хисоблаш мөкдорининг ўн баравари мөкдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истемолини хисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истемолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҶУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи куйидагиларга мажбур:

- ўзига карашли бўлган газ тармокларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз хисобидан таъминалаш-тиклаш;
- ўз газ тармокларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш қискарсан ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истемолчиларни хабардор килиш;
- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларининг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганилиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини кўшимча огохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг рухсатсиз истемол килинганилиги, газ тармоклари моддий бойликларининг талон-тарож килинганилиги тўғрисида хукукни муҳофаза қилиш органларини хабардор килиш;
- Истемолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;
- конунда назарда тутилган тартибда монополияга карши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгаришилар киритиш;
- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;
- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истемолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

 - табиий газ сизиб чикишида — дарҳол;
 - овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
 - иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
 - иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташкири вактда) — иккى кун давомида;
 - Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичida алмаштириш;

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истемолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қискартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармокларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб кўйиш;

- Истемолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб килиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун хужжатлағиға мувофиқ бир томонлама воз кечиши;

- газ тармокларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиқтириб бўлмайдиган чораларни кўриша зарурати юзага келганда, Истемолчи билан келишмасдан ва уни огохлантиримасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огохлантирган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истемолчи куйидагиларга мажбур:

- хисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва кабул килиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;

- газ тармокларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чикиши ҳолати ҳакида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;

- ўзининг газ тармоклари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишида кўздан кечириб чикиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтгазспекция" ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истемол қилишини хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукукига эга бўлган ихтинослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истемолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгариши мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик килувчи характеристларни амалга оширмаслик, уларнинг касддан бузилишига йўл кўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулагай шаклда дархол хабардор килиш.

- Газ тармоги бўленини чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган хисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан куйидагиларни талаб қилиш ҳукукига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини хисобга олиш приборлари ишланинг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимиға риоя қилган ҳолда узатилиши;
- табиий газни етказиб бериси шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни коплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);
- газ етказиб бериси вактинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларida белгиланган бошқа ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганилиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойданি белгиланган тартибида коплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун куйидаги ҳолларда жавобгар хисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- в) қонун ҳужжатларida назарда тутилган ҳолатларда.
- г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;
- д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий хисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармокларида авария ҳолатлари юз бергандан; в) киши даврида вактинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узуб кўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкири);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда. Истеъмолчи газ кабул қилиш ёки унинг учун ҳак тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳукукига эга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибида тўланган суммани қайтарини талаб қилиш ҳукукига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирор етказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пена тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вактида тўланмаган тақдирда. Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пена тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши қураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. "Истеъмолчи" - "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя килади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибида жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга хаклидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табий оғатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида күтилмаган авария вазиятлари юзага келганды, шунингдек енгіб бұлмас күчлар туфайли содир бұлған табий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкени, ёнгін чиши, ер кимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида хамда Ҳукумат карорига асосан тарафлар шартнома бүйіча ўз мажбуриятлари бажариш имкони бұлмай қолгanda жағобарларка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тұхтатиши, кискартириш ёки муносабтларни тұхтатиши ҳукукіга эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар хар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бірини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги карор қабул киладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши хамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон карорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома ____ йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат килмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблаг олувчилар хар йили “_____” йил 31 декабр санасига” амал килишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул килинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июнданги “Табий газ ва электр энергиясини сотиши механизмини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 6010-сон Фармони қабул килиниси муносабати билан, Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараённанда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига кадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг хар бирин учун иккى нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<p>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудга Коракалпогистон»</p> <p>Манзили: Тел/факс: Нукус шахри, Вердах гузари №179 HUDUDGAZ QORAQALPOG ISTON- GIZ TAMINOTI FILIALI XXLTUT BERUNIY TUMANGAZ Болганини телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43 x/r: R. Beruniy tumani Банк номи: «Узсаноаткоридон» банк Рахат филиали AKOLI UCHUN МФО: 00435 22634000905113960191 КОМПАНИЯ УЗСАНОАТКОРИДОН ТОШКЕНДИЯ УЗСАНОАТКОРИДОН BANK ATB RAKAT FILIALI X/P: МФО: 00435, ИМН: 306605769. XXLTUT (ОНОНХ) 35220</p>	<p>“ИСТЕМОЛЧИ”</p> <p>Бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи) Почта манзил: Каїт кўғаси бўни</p> <p>ОКПО коди _____</p> <p>ОКЭД _____</p> <p>Мулоқот телефони 61-524-43-66</p> <p>Fax/x: 23402003001000100</p> <p>Банк номи: Марказий таҳоми Тонкент</p> <p>МФО 00014</p> <p>ИНН 24470460</p> <p>ш/х 100021360352070652001000</p> <p>x/r: Х. Айманов (Ф.И.Ш.)</p> <p>Рахбар: Х.Айманов (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имзоши: HGT Мухр ўрини</p> <p>Имзоши: М. Кағимов Мухр ўрини</p>
--	---

<p>Юридик маслахатчи хуносаси</p> <p>(Ф.И.Ш.)</p>	<p>ХУДОСА</p> <p>Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикасининг амандати қонунчилар таъвудорига көнб бераси Мажбуриятлари бажариласписта етказиб бераси бажариласписта аммо, мухр ўринин жағобарларка масаласи кўрсатилган Шартнома шартларига кўра тарафлар орасида чиқдириган низодлар, кенишмеччиликлар ўзаро кал этилмаган тадбирлар суд ордари хар қандайди “ЮҚОЭТК” АЖ бон куюн маслахатчига</p>
---	---

202 йил «_____» _____даги
_____сон шартномага
ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилингандай газдан фойдаланиш ускуналари РҮЙХАТИ

Фаолият тури: _____

Кадастровый №

Табий газ тарифи **сум** **тийин**

Келишилган:

Етказиб берувчи

Рахбар

(ФИ.П.)

Имзос

247

337

• 100 •

10

11

22

242 T. Myrick

MyXP ure

卷之三

THE JOURNAL OF

(Ф.И.Н.)

Истемоди

Ранба

10

Plm30c1

153

100

四

卷之三